

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA № 21 (1589) 2026-YIL 27-MAY, CHORSHANBA

Курбон
хайити
айёми
муборак
бўлсин!

adolat24.uz/

t.me/Gazeta_Aдолат



САМАРҚАНДНИНГ янги мўъжизавий дурдонаси

Ёдгорлик мажмуаси қайта қуриш жараёнида фақат зиёратгоҳина эмас, илм-маърифат масканига ҳам айланиши зарур эди. Шунинг учун мажмуа яқинида Имом ал-Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадисшунослик мактаби барпо этилди. Марказ зиммасига ислом маданияти, умумбашарий цивилизация риво-

жига катта ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш, ёшларда илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини кучайтириш, уларга исломий қадриятларни тўғри англатиш, динимизнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш вазифалари юклатилган.



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ — таълим тараққиётининг янги драйвери



... техника фанлари бўйича фалсафа доктори Ирина Баймуратова таълимда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавзусида маъруза қилди. Маъруза умумтаълим тизимида СИ воситаларидан фойдаланишнинг амалий тажрибаси ҳамда бундай ёндашувнинг муаммоли жиҳатларининг балансланган таҳлили билан диққатга сазовор бўлди.



Бугун “Адолат” СДП ёшлар гуруҳида 21 нафар шижоатли, давлат ва жамият қурилиши соҳасида етарли билим ва тажрибага эга, тенгдошларини эзгу мақсадлар сари эргаштира оладиган аъзолар бор. Улар Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси йиғилишларида қатнашиб, ёшлар сиёсатида оид ва бошқа долзарб қонун лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини илгари суришмоқда.

Ёшлар сиёсати:

ИМКОНИАТ, ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ



ОСМОН ҚИРОЛИ

Инсон қадри, виждон ва касб шаъни ҳақида қисса

Яқинда Ўзбекистон миллий кино санъати саройида тақдироти ўтказилган “Осмон қироли” бадиий фильми ана шундай жиҳатлари билан томошабинлар эътирофига сазовор бўлмоқда. Нафақат мазмунан, балки бадиий ечимлари, образлар тизими ва профессионал режиссураси жиҳатдан ҳам юксак даражадаги киноасар сифатида баҳоланмоқда. Кино таниқли ёзувчи Хайриддин Султоннинг “Осмони фалакларда” асари асосида суратга олинган.



ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан бегараз донорлик акциясига барча кўнгилчилар таклиф этилади.

1-3 июнь
09:00 - 16:00

Республика қон қуйиш маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари

Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 138-ўй
Илҳом Хасиев меҳмонхонаси қарсакида

Донорлик учун эслатма:
• 18-60 ёш, паспорт билан янги
• 1 кун олдидан аччиқ, шир, спиртли ва газли ичимликлар истеъмол қилмаслик
• Эрталаб туғун, 8 ва сут истеъмол қилмаслик
• Сунги 6 ойда чет элдан бўлмаган, сариқ, касалга чалинмаган бўлиши керак

Қўшимча маълумот учун:
www.adolat.uz
+998 99 421-93-18
+998 99 051 01 80



Донорлик қилинг, умид улашинг!

Сарҳисоб

Ёшлар сиёсати: ИМКОНИЯТ, ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Юрт истиқболининг мустаҳкам кафолати

Вақт – қайтариб бўлмас бебаҳо неъмат. Агар инсондан ҳаётининг энг қадри ва унутилмас дамлари ҳақида сўралса, шубҳасиз, у навқиронлик даврини ёдга олади. Зеро, ёшлик – орзулар қанот ёзадиган, инсон ўз келажагига пойдевор қўядиган бетакрор палладир.

Бирок тарихнинг турли bosқичларида ёшлик даври ҳамиша ҳам имкониятлар ва муваффақиятлар оғушида кечмаган. Бугун эса биз мутлақо янги тарихий даврда, эркин ва обод мамлакатда яшамокдамиз. Эндилкида ёшларнинг орзу-интилишлари фақат ҳаёл эмас, балки реал имкониятлар, замонавий билимлар ва давлатнинг юксак ишончи асосида рўйга чиқмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 мартдаги фармони билан тасдиқланган Давлат дастури асосида Олий Мажлисининг ҳар икки палатаси ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил этилди. Ушбу нуфузли тузилмага сайланганимизга ҳам роппа-роса бир йил тўлди. Хўш, ўтган давр мобайнида қандай натижаларга эришдик? Қайси ташаббусларимиз амалда ўз ифодасини топди?

Бугун “Адолат” СДП ёшлар гуруҳида 21 нафар шижоатли, давлат ва жамият қурлиши соҳасида етарли билим ва тажрибага эга, тендошларини

эзгу мақсадлар сари эргаштира оладиган аъзолар бор. Улар Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси йиғилишларида қатнашиб, ёшлар сиёсати оид ва бошқа долзарб қонун лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини илгари суришмоқда.

“Устоз-шогирд” анъанаси асосида ҳар бир аъзо фракция депутатларига бириктирилган бўлиб, парламент фаолиятининг ички механизмларини бевосита ўрганмоқда. Анъанага мувофиқ, ҳар ойнинг сўнги ўн кунлигида халқ вакиллари билан биргаликда сайловчилар билан учрашуларда иштирок этиб, аҳоли муаммоларини тинглаш, уларга ҳуқуқий ва амалий тушунтиришлар беришда фаоллик кўрсатмоқда.

Бу жараёнларнинг барчаси давлатимиз томонидан ёш авлодга билдирилатган юксак ишончнинг амалий ифодаси, албатта. Умуман, янги Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди бундай кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга ҳам ҳақли, ҳам масъулдир.

Шундан келиб чиқиб, биз ҳам юртимиздаги тарихий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тендошларимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш йўлида билим ва салоҳиятимизни сафарбар этамиз. Зеро, дав-



Шерзодхон ИСЛАМОВ,
Ёшлар парламенти раиси ўринбосари,
“Адолат” СДП ёшлар гуруҳи раҳбари

латимизнинг бизга билдирган ишончи нафақат фаоллик, балки мамлакат тақдирига дахлдорлик тўйғуси билан яшашни ҳам талаб этади.

Қонунчиликдаги муҳим ва ташаббускор куч

Сайловлардан сўнг зиммамизга кўплай муҳим вазифалар юклатилди. Асосийси, ёшлар овозини қонунчилик жараёнига олиб кириш ва уларнинг эзгу ташаббусларини давлат сиёсати даражасига кўтариш. Умуман олганда, ҳар қандай демократик жамиятда парламент халқ иродасининг ифодаси бўлса, ёшлар шу халқнинг энг интилувчан ва келажакни белгилувчи қатламидир. Шу мақсадда, Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитаси ва “Адолат” СДП ҳамкорлигида қатор тизимли ишлар йўлга қўйилди.



Бердах ДАНИЯРОВ,
Ёшлар парламенти кўмитаси раиси,
“Адолат” СДП ёшлар гуруҳи аъзоси

авлод” билан ишлашда мутлақо янги ёндашулар талаб этилмоқда. Шундан келиб чиқиб, нафақат университет талабалари, балки лицей, коллеж ва мактаб ўқувчилари билан ҳам мунтазам очиқ мулоқотлар ташкил этилмоқда. Партияимиз билимли ва фаол ёшларни қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилган. Зеро, жамиятда адолат ва очикилини қарор топтириш ёшларнинг қонунчилик жараёнларидаги иштироки билан бевосита боғлиқ.

Шу тўғрисида биз бугун ёшлар овозини фақат эшитиш эмас, балки уни қонун нормасига айлантириш йўлида ҳаракат қилмоқдамиз. Бу эса келажакда халқ ишончини қозондирган кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда тарихий қадам бўлиб хизмат қилади.

Асосий қадрият – адолат ва қонун устуворлиги

Навқирон авлоднинг сифатли таълим олиши, замонавий касб-хунар эгаллаши, лидерлик салоҳиятини ривожлантириши ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун яратилаётган шароитлар уларнинг эртанги кунига мустаҳкам замин яратётгани аниқ ҳақиқат. Натижада ташаббускор, фидойи ва жамият олдидagi масъулиятини чуқур ҳис қиладиган янги интеллектуал авлод сафи кенгаймоқда.

Адолат ва қонун устуворлигини ўзининг асосий қадрияти, деб билдирган “Адолат” социал-демократик партияси аъзоси ҳамда Ёшлар парламенти вакили сифатида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол қатнашиб келаётганимиз сўзининг ишончлиги. Шу билан бирга, раҳбарлик фаолиятимиз давомида тендошларимнинг муаммолари, уларнинг орзу-интилишлари ва жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келяман.

Президентимиз ўтган йили Ёшлар кунинида топширган “Келажак бунёдкори” медали эса нафақат амалиётимизга бўлган юксак эътибор ва ишонч ифодаси, балки зиммамиздаги масъулиятни янада теранроқ англашга ундаган муҳим бурилиш бўлди. Ҳа, бугунги давр ёшлардан нафақат чуқур билим ва салоҳият, балки юксак дахлдорлик хиссини ҳам талаб этмоқда. Шу боис, Ёшлар парламенти аъзоси ва раҳбар сифатидаги ваколатларимдан фойдаланиб, давлат сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан бири – коррупцияга қарши муросясиз муҳитни шакллантиришга ўз ҳиссамини қўшишни бурчим, деб билдим.

Шу мақсадда юртимизда “Антикоррупция волонтерлари” лойиҳасини йўлга қўйиш ташаббуси билан чиқдим. Ушбу лойиҳа атрафида 50 нафардан зиёд волонтер ёшлар бирлашди. Улар томонидан турли ташкилотларда ижтимоий сўрономалар ўтказилиб, фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари чуқур таҳлил қилиниди ҳамда

Сиёсий маҳорат мактаби

Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувида кенг жалб этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари билан бириктирилган бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти илмга чанқоқ ва ташаббускор ёшлар учун ўзини хос тажриба майдонига айлантириш алоҳида эътироф этиш жоиз.

Ушбу сиёсий тузилма аъзоси сифатида фаолият юритаётганимизга бир йил тўлди. Ўтган давр мобайнида Ёшлар бандлиги, соғлигини сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси таркибиде қатор тизимли ишларни амалга оширдик. Депутатлар билан биргаликда жойларга чиққан ҳолда ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг муаммоларига амалий ечим топиб бўйича ўрганишлар ўтказдик.

Қонун лойиҳалари ва Қонунчилик палатаси кўмитасининг йиллик иш режасига ёшлар овози сифатида ўз таклифларимизни киритдик. Сиёсий партиялар фракциялари ва кўмита йиғилишларида фаол иштирок этиб, қонун қабул қилишнинг мураккаб жараёнлари билан яқиндан танишдик. Тажриба ўрганиш билан чекланмай, балки уларни замон талабларига мос равишда тендошларимизга етказишга ҳам эътибор қаратаймиз.

“Адолат” СДП билан ҳамкорликда қонунчилик ҳуж-



Фотима ТОҒАЙМУРОДОВА,
Ёшлар парламенти кўмитаси раиси ўринбосари,
“Адолат” СДП ёшлар гуруҳи аъзоси

жатлари ва Конституцияимиз нормаларини содда, тушунарли тилда ифода этувчи махсус видеороликлар туркумини ишлаб чиқиб, тақдим этиб бораёмиз. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 14-ЮНЕСКО Ёшлар форумида иштирок этиб, хорижлик тендошларимиз билан тажриба алмашганимиз эса юртимизда ёшларга яратилаётган шароитлар жаҳон миқёсида юксак эътироф этилаётганига яна бир бор амин бўлишимизга йўл очди.

Ишонамизки, мазкур билим, кўникама ва мулоқот майдони келгусида давлат бошқаруви ва қонун ижодкорлиги жараёнларида профессионал кадр сифатида шаклланишимизда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.



Фарзона АДИЛОВА,
“Адолат” СДП ёшлар гуруҳи аъзоси,
“Келажак бунёдкори” медали соҳибаси

айрим тизимларда учраётган коррупцион ҳолатлар юзасидан муҳим ҳулосалар шакллантирилди. Мазкур лойиҳа нафақат тизимли муаммоларни аниқлаш, балки ёшларнинг фуқаролик масъулиятини оширишда ҳам муҳим омил бўлди.

Волонтерларимиз томонидан ҳалоллик ва шаффофлик тамойилларини тарғиб қилувчи очиқ мулоқотлар ва учрашувлар ташкил этилган ёшлар орасида коррупцияга қарши ижтимоий иммунитетни кучайтиришга хизмат қилди. Сир эмаски, бугунги грантлар, стартап лойиҳалар, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган тизимли дастурлар ҳар бир ёшнинг ўз устиде ишлаши учун чексиз имкониятлар эшигини очмоқда. Улардан унумли фойдаланиш, юксак ишонч оқлаш ва халқ манфаатларини йўлида фидойилик билан хизмат қилиш эса ҳар биримизнинг асосий бурчимиздир.

Фракция йиғилиши



ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида Президентимизнинг “Сифатли давлат бошқаруви” дастури доирасида ўтказилган тақдирлаш маросимидаги иштироки ҳақида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши лозим” деган ҳаётий тамойил бугун нафақат сиёсий шир, балки давлат бошқарувининг амалий мезонига айланиб бораётгани қайд этилди.

– “Сифатли давлат бошқаруви” дастурининг энг муҳим жиҳатларидан бири – давлат идоралари фаолиятининг ҳолис баҳоланишидир. Бу жараён кучли ва заиф томонларни аниқлаш, илгор тажрибаларни оммалаштириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда раҳбар кадрларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади, – дейди фракция аъзоси Нодира Жанибекова.



Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат – “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, суд қарорларининг самарали ижросини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан эса Иқтисодий процессуал кодексининг 271, 294 ва 323-моддаларига ўзгариш киритиш таклиф этилмоқда. Унга кўра, юқори инстанция судларида кўриб чиқилаётган ишлар бўйича суд ҳужжатлари ижросини тўхтатиб туриш қафатинга аризачи томонидан бундай чора кўрилмаса, суд ҳужжатининг қайтарма ижроси қийинлашиши ёки имконсиз бўлиб қолиши асослаб берилган ҳолларда қўлланилиши белгиланмоқда.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари томонидан лойиҳадаги айрим нормалар бўйича қатор аниқлаштирувчи саволлар берилди. Қонун ташаббускорлари кўтарилган масалалар юзасидан атрафчи на тушунтириш беришди.

Депутатлар мазкур ҳужжат суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш, инсофли тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий муносабатларда ҳуқуқий кафолатларни янада кучайтиришга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда кун тартибидеги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

“ПОЙҒАБОШИ” СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Халқ депутатлари туман Кенгашига “Адолат” СДП-дан сайланган депутат Ҳусниддин Саидов ташаббуси билан “Пойгабоши” маҳалласи аҳолисини тоза ва узлуксиз ичимлик суви билан таъминлаш бўйича муҳим масала кўтарилди.



Маълумки, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда депутат Ҳ. Саидов томонидан маҳалладаги мавжуд муаммолар ўрганилиб, аҳоли илгари сурилган тақдирлаш маросимидаги иштироки ҳақида сўз юритилди. Урганлишлар давомида “Пойгабоши” маҳалласида ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ айрим қийинчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Шундан сўнг, мазкур муаммони тизимли ҳал этиш мақсадида туман ҳокимининг тегишли ўринбосари номига депутатлик сўрови юборилди. Сўрономада маҳаллада ичимлик суви инфратузилмасини яхшилаш, мавжуд тармоқларни таъмирлаш ҳамда аҳолини барқарор суви таъминоти билан таъминлаш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилди.

Қисқа муддат ичиде ушбу депутатлик сўрови масъул ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Натижада “Пойгабоши” маҳалласи аҳолисини тоза ва узлуксиз ичимлик суви билан таъминланди.



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ — Таълим тараққиётининг янги драйвери

“Адолат” СДП ташаббуси билан ўтказилган республика илмий-амалий конференциясида таълим тизимини рақамлаштириш ва инновацион ривожлантириш бўйича стратегик тавсиялар илгари сурилди

Ўзбекистон “Адолат” СДП, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамкорлигида Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетиди “Сунъий интеллект ва келажак технологиялари: таълим тизимида илмий-амалий тадқиқотлар ва инновациялар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Анжуманининг асосий мақсади – мамлакатимизда сунъий интеллект ва замонавий рақамли технологияларни таълим тизимига изчил жорий этиш, рақамли иқтисодий талабларига жавоб бера оладиган малакали кадрларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот фаолиятини инновацион йўналишда ривожлантириш бўйича стратегик ёндашувларни шакллантириш, шу билан бирга, турли вазирликлар, олий таълим муассасалари ҳамда амалиётчи мутахассислар ўртасида тизимли мулоқот платформасини яратилган иборат бўлди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар ва илмий-тадқиқот институти олимулари, IT соҳаси мутахассислари, докторантлар ҳамда умумтаълим муассасалари педагоглари иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Фарғона ва бошқа ҳудудлардан тадқиқотчилар учун ZOOM платформаси орқали улашиш имконияти яратилди – бу анжуманининг республика миқёсида кенг қамровли ўтказилишини таъминлади.



Анжумани Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Сардор Донаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Наримон Умаров очиб берди.

С.Донаев университетда сунъий интеллект ва замонавий рақамли технологиялар йўналишидаги илмий-тадқиқот ишлари, кадрлар тайёрлаш ҳамда халқаро ҳамкорлик соҳасида амалга оширилаётган изчил фаолият хусусида тўхталиб ўтди.

– Сунъий интеллект бугунги кунда фақат ахборот технологиялари соҳасининг эмас, балки бутун таълим тизимининг тараққиёт йўналишини белгилаб бераётган стратегик омилга айланди. Шу боис олимлар, амалиётчилар, давлат идоралари ва қонун чиқарувчилар ўртасида тизимли мулоқот ўрнатилган ҳар бир ташаббус – кадрлар тайёрлаш сифатида ҳамда мамлакатимиз илмий салоҳиятининг келажакда қў-

шилган муҳим ҳисса сифатида қаралиши лозим, – дея алоҳида қайд этиб ўтди проректор ҳамда мазкур долзарб мавзудаги анжумани ташкил этишдаги ҳамкорлик ва ташаббускорлик учун “Адолат” СДПга алоҳида миннатдорлик билдирди.



Депутат Наримон Умаров “Адолат” СДПнинг таълим тизимини рақамли трансформация шариҳида илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда сунъий интеллект соҳасининг қонунчилик-меъёрий базасини такомиллаштириш йўналишидаги изчил фаолияти ҳақида сўз юритди.



Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси раиси ўринбосари, техника фанлари номзоди, доцент Муҳаммадҷон Валиев “Сунъий интеллект ва илгор технологиялар – ёшлар тафаккури, инновацион фикрлаш ва тараққиётнинг драйвери” мавзусидаги маърузасида замонавий технологияларнинг ёш авлод дунёқарашига таъсири ҳамда қонунчилик базасини янги шарт-шароитларга мослаштириш зарурати ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Саидхўрор Ғуломов масофавий улашиш орқали “Янги Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишида сунъий интеллектнинг роли” мавзусидаги маърузаси билан анжуманга алоҳида мазмун бағишлади. Олим сунъий интеллект – миллий иқтисодийнинг рақобатдошлигини оширишда, давлатнинг технологик мустақиллигини таъминлашда ҳамда



жаҳон саҳнасидаги интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашда стратегик омил эканини таъкидлади.

Тошкент давлат техника университети “Амалий инглиз тили” кафедраси мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Шаҳноза Адилваннинг “Сунъий интеллектнинг тил таълимидаги ўрни: методлар, муаммолар ва таржимашуносликка таъсири” мавзусидаги маърузаси чет тилларини ўқитиш методикасида ҳамда таржимашунослик соҳасида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланишнинг амалий жиҳатларига бағишланди. Маърузачи айтиб ўтди, бу борада юзага келётган методологик муаммоларни ҳам асосли таҳлил қилди.

Нукус шаҳридаги Инновацион технологиялар университети “Педагогика ва психология” кафедраси доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори Нурлан Беғалиев анжуманда онлайн иштирок этиб, “Замонавий таълимда сунъий интеллект: янги давр педагогикаси” мавзусидаги маърузасида рақамли муҳит ўқувчилардаги янги когнитив маҳоратларни шакллантиришга нечоғлик таъсир этаяётгани ва педагогика илмига янги тадқиқот йўналишларини қандай очаятганини баён қилди.

Ангрен шаҳридаги 21-сонли умумий ўрта таълим мактаби математика ва информатика ўқитувчиси, техника фанлари бўйича фалсафа доктори Ирина Баймуратова таълимда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавзусида маъруза қилди. Маъруза умумтаълим тизимида СИ воситаларидан фойдаланишнинг амалий тажрибаси ҳамда бундай ёндашувнинг муаммолари жиҳатларининг балансланган таҳлили билан диққатга сазовор бўлди – бу маъруза мактаб таълими



Конференция якунида “Адолат” СДП, ҳамкор вазирликлар ва таълим муассасалари ўртасида сунъий интеллект соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда илмий-амалий ишланмаларни қўллаб-қувватлаш бўйича келишувларга эришилди.

амалиётдан келиб чиққан ҳолда айтиб ўтди, бу борада юзага келётган методологик муаммоларни ҳам асосли таҳлил қилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали “Сунъий интеллект ва маълумотлар таҳлили” кафедраси профессори Холида Примова масофавий улашиш орқали “Сунъий интеллект асосида таълим сифатини баҳолаш ва таҳлислаш учун норавшан мантиқий алгоритмларни ишлаб чиқиш” мавзусида маъруза қилиб, таълим сифатини объектив баҳолашнинг алгоритмик ёндашувини ҳамда бу борада илмий тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолатини тақдим этди.

Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти тадқиқотчиси Абдуғофур Раҳимовнинг “Таълим соҳасида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг амалий тадқиқотлари” мавзусидаги маърузаси давлат миқёсида амалга оширилаётган рақамли лойиҳалар ҳамда уларнинг таълим тизимида жорий этилиши истиқболларига бағишланди.

Фарғона давлат техника университети “Компьютер муҳандислиги ва сунъий интеллект” кафедраси докторанти Раҳимиддин Рўзалиев Zoom орқали “Сунъий интеллект технологияларининг таълим тизимидаги ўрни: илмий-амалий ёндашувлар ва иктимойий масъулият” мавзусидаги маърузасида янги технологияларни жорий этиш жараёнида этик ва иктимойий-маънавий жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини асосли далиллар билан кўрсатиб берди.

ТДТУ докторанти Қобилжон Муҳиддиннинг “Сунъий интеллект ва рақамли трансформация шариҳида иқтидорли талабаларни илмий-тадқиқот ҳамда стартап фаолиятига йўналтиришнинг замонавий стратегиялари” мавзусидаги маърузасида ёш тадқиқотчиларни инновацион тадқиқотчи соҳасига жалб қилишнинг замонавий механизмлари таҳлил қилинди.

Темурбек Доминов ўз навбатида “Сунъий интеллект ёрдамида инновацион маҳсулотларни ривожлантириш ва тижоратлаштириш истиқболлари” мавзусидаги маърузасида университет илмий ишланмаларини бозорга чиқариш йўллари ва тижоратлаштиришнинг замонавий моделларини баён қилди.

Халқаро анжуман

TASHKENT CYBERLEX – 2026:

рақамли даврда қонун устуворлиги ва киберхавфсизлик бўйича глобал мулоқот майдони

“Рақамли даврда қонун устуворлигини таъминлаш: инновациялар, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик мутаносиблиги” мавзусига бағишланган мазкур форум мамлакатимизда илк бор ташкил этилмоқда. Форум рақамли трансформация шариҳида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик ўртасидаги мувозанатни сақлаш, шунингдек, инновацион технологияларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида маъсулиятли ва самарали жорий этиш масалаларига бағишланган нуфузли халқаро анжуман бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида “TASHKENT CYBERLEX – 2026” халқаро илмий-амалий форуми бўлиб ўтди.

Бугун рақамлаштириш, сунъий интеллект, рақамли далиллар, криптоактивлар ва кибержиноятчилик давлатлар ҳуқуқий сиёсати ҳамда миллий хавфсизлик тизимининг энг долзарб йўналишларидан бирига айланмоқда. Шу нуқтан назардан, форум мамлакатимизда рақамли давлат куриши, ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасини модернизация қилишга қаратилган сиёсатнинг мантиқий давоми сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Форум юқори даражадаги миллий ва халқаро вакиллик таркиби билан ажралиб туради. Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев, рақамли технологиялар вазирлиги Шерзод Шерматов, Олий суд раиси Бахтиёр Исломов, ички ишлар вазири Азиз Тошпўлатов, Миллий гвардия қўмондони Баҳоқир Тошматов, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашни қўмитаси раҳбарияти, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва эксперт доиралар вакиллари иштирок этди.

Форум ишига Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, INTERPOL, Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (IRZ), Европа кибертаълим тармоғи (ECTEG) ҳамда бошқа нуфузли халқаро институтлар экспертларининг жалб этилгани унинг юқори экспертлик ва амалий аҳамиятини янада оширди.

“TASHKENT CYBERLEX – 2026” кенг халқаро вакиллик таркиби ва иштирокчилар географияси билан ҳам аҳамиятлидир. Форумда АҚШ, Германия, Франция, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Сингапур, Нидерландия, Австралия, Латвия, Исроил, Вьетнам, Туркия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова, Озарбайжон ва бошқа давлатлардан прокурорлар, суд экспертлари, олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва рақамли технологиялар соҳаси мутахассислари иштирок этди. Халқаро иштирокчилар ва экспертлар сони форумнинг минтақавий эмас, балки кенг халқаро мулоқот платформаси сифатида шаклланаётганини кўрсатди.

Форумнинг ялпи мажлиси “Рақамли даврда қонун устуворлигини таъминлаш: инновациялар, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик мутаносиблиги” мавзусига бағишланиб, рақамли ривожланиш шариҳида ҳуқуқий сиёсат, давлат хавфсизлиги ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг замонавий ёндашувларини муҳофаза қилиш учун юқори даражадаги сиёсий ва эксперт мулоқот майдонини шакллантирди.

Форум доирасида ташкил этилган тўртта тематик сессия рақамли ҳуқуқ ва киберхавфсизлик соҳасининг энг долзарб масалаларини қамраб олди. “Юридик фан ва таълимдаги инновациялар: киберхуқуқ, рақамли криминалистика ва сунъий интеллект” мавзусидаги биринчи сессия ҳуқуқий таълимни рақамли трансформация шариҳида ривожлантириш, киберхуқуқ, рақамли криминалистика ва сунъий интеллектнинг ҳуқуқий таълим ҳамда эксперт фаолиятига таъсирига бағишланди.

“e-Crime: рақамли криминалистиканинг замонавий усуллари ва воситалари” мавзусидаги иккинчи сессия кибержиноятларни тергов қилиш, электрон далиллар, рақамли излар ва трансмилий жиноятларга қарши курашишдаги халқаро ҳамкорлик механизмларини муҳофаза қилиш майдонига айланди.

“Сунъий интеллект ва жиноят процесси рақамли трансформацияси: тараққиёт, хавф-хатарлар ва шахс ҳуқуқларининг кафолатлари” мавзусидаги учинчи сессия сунъий интеллектдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва одил судлов соҳасида фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳамда ахлоқий чегаралари, инсон ҳуқуқлари кафолатлари ва рақамли тергов истиқболларига бағишланди.

“Рақамли далиллар ва криптоактивлар: активларни қайтариш бўйича халқаро ҳамкорлик” мавзусидаги тўртинчи сессия эса криптоактивлар, жиний даромадларни легаллаштиришга қарши кураш, рақамли молиявий терговлар ва активларни қайтаришнинг халқаро ҳуқуқий механизмларини муҳофаза қилиш учун муҳим эксперт майдонини шакллантирди.

“TASHKENT CYBERLEX – 2026” форуми илмий муҳокамалар билан чекланб қолмай, рақамли даврда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида инновацион ёндашувларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда киберхавфсизлик ва рақамли ҳуқуқ соҳасида янги ташаббусларни илгари суришга хизмат қилувчи муҳим глобал платформа сифатида аҳамият касб этди.

Partiya aksiyasi yakunlandi



ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ –

ЖАМИЯТ БАҲҚАРОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Оила – ҳар бир жамиятнинг маънавий таянчи, инсон тарбиясининг илк мактаби, миллий қадриятлар авлоддан-авлодга ўтадиган муқаддас маскандир. Шу боис мамлакатимизда оилани қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, эрта никоҳ, оилавий низо, тазйиқ ва зўравонлик каби иллатларга нисбатан муросасиз ижтимоий муҳитни шакллантириш давлат ва жамоат ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар оилани фақат шахсий масала эмас, балки жамият баҳқарорлиги, соғлом авлод камолоти ва ижтимоий адолат мезони сифатида қўриш зарурлигини яққол кўрсатмоқда. Зеро, оила мустаҳкам жойда билимли фарзанд, соғлом муҳит ва фаол фуқаролик позицияси шаклланади. Аксинча, оилавий низо, эрта никоҳлар, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, зўравонлик ва ҳуқуқий саводсизлик кўллаб иктымий муаммоларнинг илдирига айланиши мумкин.

Бу борадаги рақамлар масаланинг долзарблигини янада яққол кўрсатади. 2025 йилда мамлакатимизда 267,1 мингта никоҳ қайд этилган бўлса, шу йилнинг ўзида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 37 минг 544 та никоҳ бекор қилинган чуқур таҳлил ва манзилли профилактикага эҳтиёж борлигини кўрсатади. Шунингдек, мажбурий тўловлар, алимент, қарздорлиги ва бошқа фуқаролик низолари бўйича суд қарорларининг кўпчилиги оилавий муносабатлар ҳуқуқий маданият, иқтисодий масъулият ва ўзаро ҳурмат билан мустаҳкамланиши зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ана шундай долзарб эҳтиёждан келиб чиқиб, “Адолат” социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши ташаббуси билан жорий йилнинг 22 апрелдан 22 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси ҳамда “Нуроний” жамғармаси билан ҳамкорликда республикамизнинг барча ҳудудларида “Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик!” акцияси ўтказилди. Бир ой давом этган ушбу кенг қамровли тадбирлар силсиласи маҳаллалар, таълим муассасалари, қорхона ва ташкилотларда оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, низоли хонадонларни аниқлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишга қаратилди.

Акциядан қўзланган мақсад фақат тарғибот билан чекланиб қолмади. Унинг мазмунида аниқ манзилли ишлаш, муаммонинг олдини олиш, хавф остидаги оилаларга етиб бориш, аёллар ва болалар хавфсизлигини таъминлаш, ёшлар онгиде соғлом оила маданиятини шакллантириш каби вазифалар мужассам бўлди.

Шу маънода мазкур акция партиянинг ижтимоий адолат, инсон қадрли, ҳуқуқий ҳимоя ва масъулиятли жамият гоиларини амалда ифода этган муҳим ташаббуслардан бири сифатида намоян бўлди.

Акция доирасида жойларда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, қизларнинг таълим олиши ва касб эгаллаши, 21 ёшдан кейин оила қуришнинг афзалликлари, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик учун белгиланган янги жавобгарлик турлари, жумладан, фемцид ва сталлинг каби тушунчалар ҳақида аҳолига кенг тушунтирилди. Психологлар, ҳуқуқшунослар, депутатлар, маҳалла фаоллари, нуронийлар ва масъул ташкилотлар вакил-

ган ишлар кенг ижтимоий қатламларга етиб борганини аниқлатади.

Айниқса, маҳаллаларда ҳар ҳафта ташкил этилган “Фуқаролар қабули” акциянинг амалий самарадорлигини оширди. Депутатлар, адлия органлари ходимлари, ҳуқуқшунослар, психологлар ва соҳа мутахассислари иштирокида 352 та қабул ўтказилиб, аҳолига бепул ҳуқуқий ва психологик маслаҳатлар берилди. Бу жараёнда фуқароларнинг муаммолари тингланиб қолмай, уларни ҳал этиш бўйича аниқ чоралар кўрилди.

Қабуллар ва манзилли ўрганишлар натижасида 258 та маҳаллада низоли, нотинч ёки аёллар ва болалар хавфсизлиги таҳдид остида бўлган хонадонлар аниқланди. Маҳалла еттичилиги, акримларнинг олдини олиш комиссиялари, психологлар ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида 104 та акримнинг олди олинди. Бу – бир қарашда оддий раҳамлар бўлиб кўринса-да, аслида 104 та оила, 104 та хонадон, юзлаб фарзандлар тақдирли, уларнинг эртанги кунига дахлдор катта ижтимоий натижадир.

Шунингдек, акция давомида 99 нафар зўравонликка мойил шахс билан

Акциянинг яна бир муҳим йўналиши болалар манфаатларини ҳимоя қилиш бўлди. Ота-она қаровисиз қолган ёки зўравонлик қурбони бўлган 12 нафар бола аниқланиб, уларни “Инсон” марказлари орқали ижтимоий ҳимояга олиш бўйича зарур чоралар кўрилди. 250 та бошқа масала юзасидан эса адлия, оила ва хотин-қизлар тизими вакиллари ҳамда бошқа мутахассислар томонидан фуқароларга амалий кўмак кўрсатилди.

Акция жараёнлари партия матбуот хизмати, ҳамкор ОАВлар орқали ахборот майдониде ҳам фаол ёритилди. Тадбирлар, сайёр қабуллар ва амалий натижалар партия ва ҳамкор ташкилотларнинг расмий саҳифалари, маҳаллий ва марказий нашрлар орқали минглаб маротаба жамоатчиликка етказилди. Жумладан, Facebook, Instagram, Telegram платформаларида фаол тарғибот ишлари олиб борилди, телевиденидеда чиқишлар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Бу эса акциянинг фақат жойларда эмас, балки кенг жамоатчилик онгиде ҳам акс-садо беришига хизмат қилди.

Хулоса қилиб айтганда, “Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик!” акцияси бир ойлик тарғибот тадбири эмас, балки жамиятда соғлом оила,



лари иштирокида ўтказилган мулоқотлар оилани мустаҳкамлаш масаласида ҳуқуқий, маънавий, тиббий ва психологик ёндашувни бир вақтнинг ўзида талаб этишини кўрсатади.

Бир ойлик акция давомида республика бўйлаб 1172 та учрашув ва тарғибот тадбири, 174 та семинар-тренинг ташкил этилди. Ушбу тадбирлар орқали 24 минг 778 нафар фуқаро қамраб олинди. Бу рақамлар, аввало, мавзу жамият учун нечоғли муҳим эканини, иккинчидан, партия ва ҳамкор ташкилотлар томонидан олиб борил-

профилактик суҳбатлар ўтказилди, 8 та ҳолатда ҳимоя ордери олиб берилишига қўмақлашилди, 121 та тиббий кўрик ташкил этилди. Тазйиқча учраган 56 нафар хотин-қиз аниқланиб, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш мақсадида касб-хунарга ўйитиш мономарказларига йўналтириш чоралари кўрилди. Бу ёндашув муаммонинг оқибати билан эмас, уни келтириб чиқараётган сабаблар – ҳуқуқий ҳимоясизлик, иқтисодий қарамлик ва ижтимоий ёлғизлик билан ишлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ҳуқуқий маданият, инсон қадрли ва ижтимоий масъулият гоиларини мустаҳкамлашга қаратилган амалий ҳаракат бўлди. Унинг натижалари шуни кўрсатдики, оила муаммоси фақат бир хонадон ташвиши эмас, у маҳалла, таълим, тиббиёт, ҳуқуқ-тарғибот идоралари, нодавлат ташкилотлар ва сиёсий партиялар ҳамкорлигини талаб этадиган умумжамаит масаласидир.

“Адолат” социал-демократик партияси бу ташаббус орқали оилани асраш, аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш, эрта никоҳ ва зўравонликнинг олдини олиш борасидаги фаол позициясини яна бир бор намоян этди. Энг муҳими, акция давомида одамлар билан юзма-юз мулоқот қилинди, дардлар тингланди, муаммолар жойида ўрганилди ва қўллаб оилаларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Эндиликда эса акция давомида аниқланган муаммолар бўйича тизимли мониторингни давом эттириш, ҳар бир ҳудудда самарали тақрибаларни омалаштириш ва маҳаллаларда оилавий низоларни эрта босқичда бартараф этиш механизмларини янада кучайтириш муҳим вазифага айланди. Партия фаоллари ва депутатлар зиммасига катта масъулият юкланди.

Зеро, мустаҳкам оила – мустаҳкам маҳалла, мустаҳкам маҳалла эса адолатли ва баҳқарор жамиятнинг асосидир.



“Адолат” СДП матбуот хизмати

Фаолият

Депутат ЭЛМУРОДОВНИНГ БИР КУНИ

Салоҳиддин Элмуродов уч муддатдан буён “Адолат” СДПдан халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутатлигига сайланмоқда. У 13 йилдан буён сайловчилари хизматида. Ўзи сайланган округида уни 7 ёшдан 70 ёшгача барча танийди десак, асло муболага қилмаган бўлаемиз.

Муҳаммадали АҲМАД,
журналист

...Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутати Салоҳиддин Элмуродовнинг кундалик иш режаси анча тингиз экан.

– Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, – деди у мақсадимизни эшитгач. – Жойларга бирга чиқайлик. Амалга оширилган ишларни ўз кўзларинг билан кўриб, баҳо беринглр.



Бахт шаҳарчасидан “Орзу” маҳалласининг Самарқанд қишлоғи томон йўл олди. Йўл қафтдек текис. Машина қишлоқнинг кунчиқар томонидаги қўшқаватли бино олдида келиб тўхтади. Ҳамма ёқ саранжом-саишта, озода. Бу йил экилган ниҳоллар япроқ ёзиб, майин шабадада чапак чалади. Мазкур 10-дават мактабгача таълим ташкилоти депутатнинг сўрови, елиб-югуришлари орқасидан 2025 йилнинг 1 августидан болажонларга ўз кучоғини очган экан. 120 ўринли боғчада айни пайтда 116 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда.

Боғча мудираси Зиёдаҳон Маматқулова қўшни қишлоқлардан ҳам ота-оналар фарзандларини янги боғчага жойлаштиришгаётганини фахрланиб гапириб берди. Янги боғча туфайли қишлоқнинг 25 нафар фуқароси ишли бўлибди. Худди шундай боғча “Орзу” маҳалласининг марказида ҳам қуриб фойдаланишга топширилибди. Депутат ташаббуси билан тумандаги 4, 23- ва 25-ДМТТ давлат дастурига киритилиб, таъмирланган.

Турунг орасида Салоҳиддиндан депутат сифатида дастлаб фаолият юритган йили билан бугунги кун ўртасидаги тафовутни сўрадик.

– Э, нимасини айтасиз, – кулимсирайди депутат. – Биринчи муддатга сайланганимда тегишли ташкилотларга 500 тагача депутат сўровлари билан чиққанман. Бироқ авваллари сўровларга муносабат анча суз эди. Сўнгги йилларда депутат сўровларининг нуфузи ошди. Натижада сайловчиларим олдида юзим ёруғ бўлмақда.

Йўл-йўлакка депутат сўровидан кейин давлат дастуридан жой олиб, мукамал таъмирдан чиққан 14-умумий ўрта таълим мактабида бўлдик. Устозлар, ўқувчилар депутатларини қадрдон оғаларидек ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олишди.

– “Сирдарё аргумент сервис” МЧЖ 2025 йил уч ой мобайнида, яъни ўқувчиларнинг ёзи таътил пайтида мактабимизни мукамал таъмирдан чиқариб, фойдаланишга топширди, – дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Абдуваҳоб Абдуқаҳҳоров. – Уша йилнинг сентябрь ойида таъмирланган мактабда янги ўқув йилини бошладик. Бунинг учун жон куйдирган, депутат сўрови билан юқори ташкилотларга мурожаат қилган депутатимиз Салоҳиддин акага ҳар қанча раҳмат айтсак арзийди.

2022 йил С. Элмуродов 32-умумий ўрта таълим мактаби биносини мукамал таъмирлаш бўйича юқори ташкилотларга депутат сўрови билан мурожаат қилган эди. 2024/2025-ўқув йилида “Умид-Дилноз” МЧЖ мактаб жамоасининг кўп йиллик орузсини рўйбга чиқарди. 2 миллиард 400 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиб, таълим маскани кулинг ўргилсин муассасига айланди.

– Янги ўқув йилидан ўқувчиларимиз бир сменада таълим олиш имкониятига эга бўлди, – дейди мактаб директори Барноҳон Умарова. – Таъмир асосида янги парталар, интерактив доскаларга эга бўлдик.

Маълум бир муддат қишлоқ врачлик пунктлари ёпилиб қолганди. “Бешбулоқ” маҳалласидаги ҚВП 2023 йил 1 майдан қайта иш бошлади. Тиббиёт муассасасининг мукамал таъмирдан чиқарилишига депутат С. Элмуродовнинг депутат сўрови катта аҳамиятга эга бўлди.

Айни пайтда ҚВПда 13 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда. Вилоятимизда олий маълумотли шифокорларнинг етишмаслиги оддий факт. Депутат сўрови билан ўзи сайланган округдаги тиббиёт муассасаларида Андижон тиббиёт институтининг 7 нафар битирувчиси ишга олиб келинди.

– Институтни битирдик, фақат диплом олишимиз қолди, – дейди ёш мутахассис Файзуллоҳ Аҳмадиев. – Асли Наманган вилоятиданман. Ниятим шу ерда ишлаб қолмоқчиман. Айни пайтда 7 ярим миллион сўм маош олаяман.

Салоҳиддин Элмуродов кам таъминланганларга ёрдам қўлини чўзиш, ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор ишларни амалга оширмоқда.

– Вилоят Кенгашининг 50-сессиясида Хунармандлар марказини қуриш тақлифини ўртага ташладим. Тез орада Гулистон шаҳрида шундай марказ қурилади. Уйлайманки, бундай марказлар барча туман ва шаҳарларга ҳам керак.

Албатта, биз депутатимизнинг айрим ишларинигина қаламга олишга улгурдик. С. Элмуродов халқ депутатлари вилоят кенгашининг Ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари бўйича доимий комиссия раиси сифатида ҳам самарали ишларни амалга оширмоқда.

Бир сўз билан айтганда, “Адолат” СДП вакили Салоҳиддин Элмуродов эл-улус қорига яраб, депутатлик фаолиятини рисоладагидек бажараётгани бизни ҳам мамнун этди.



Самарқанднинг янги мўъжизавий дурдонаси

Самарқанд мўъжизаларга бой замин. Аввало, бу заминда салкам 3 минг йиллик тарихга эга қадимий шаҳарнинг қад ростилаганининг ўзи бир мўъжиза. Шу шаҳар бағрида олис зардуштийлик, юнонлар, араблар, мўғуллар даврлари билан боғлиқ Афросиёб археологик шаҳристонининг сақланиб қолгани яна бир мўъжиза. Шаҳарнинг турфа нуқталарида ўтмишга доир, Соҳибқирон Амир Темури, темурийлар ҳамда кейинги даврларга оид тарихий ноёб обидалар — Шоҳи Зинда, Ғури Амир, Регистон, Ҳазрати Хизр, Жомъе масжиди, Бибиноним, Улуғбек расадхонаси каби ёдгорликлар, Хожа Дониёл, Имом Мотуридий, Хожа Аҳрор Вали, Маҳдуми Аъзам ва бошқа номлар билан аталган кўплаб зиёратгоҳлар мавжудлиги мўъжизаларнинг яна бир кўринишидир. Кейинги йилларда шаҳарда "Анжуманлар маркази", "Қадим ва навқирон Самарқанд" мажмуаси, халқаро аэропорт, вокзал, кўп қаватли янги тураржойлар қад ростладики, булар бунёдкорлик мўъжизаларининг мантиқий давоми бўлди. Айни кунларда шаҳар яқинида қад ростлаган "Имом ал-Бухорий" мажмуаси Самарқанднинг янги мўъжизавий дурдонасига айланди.

Камол МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЎТМИШГА БИР НАЗАР

Рўйи замин сайқали Самарқанд шаҳри яқинидаги Хартанг қишлоғи ислом дунёси ва илм-фан оламида буюк муҳаддис, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ энг саҳиҳ ҳақиқатларни илк бор тўплаган Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий мангуликка бош қўйган маскан сифатида эътироф этилади. Бу жой асрлар давомида барча авлодлар учун табарруқ зиёратгоҳи вазифини бақариб қолган. Бу хусусда тарихда дастлабки маълумотлардан бири XIII асрда яшаб ўтган муаррих Абдулқарим ас-Самъонийнинг "Ал-ансоб" ("Насабнома") асарида берилади.

Муаррих асарида бундай деб ёзади: "Хартанг — Самарқанддан уч фарсах узоқликдаги қишлоқ. Бу қишлоқда Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этган. Бу қишлоқнинг аҳолиси Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти йўллари ҳақида ҳикоялар" деб аталган китоб яратган. У Имом ал-Бухорийдан бироз кейин оламдан ўтган. У ўлими олдида "Мени Имом ал-Бухорийнинг ёнига кўминлар ва бу ерни у зоти шариф ҳурмати учун доимо оёбод тутинлар", деб васият қилган.

ҳам, қабристон ҳам янада оёбод қилинган. Қабр устига буюк муҳаддис ҳаётига оид лавҳа битилган мрамматощ ётқизилган ва чоғроқ хўжрадан иборат мақбара тикланган. Мақбара яқинида эса масжид барпо этилган. Бу иншоотлар нафақат темурийлар даврида, ҳатто ундан кейинги ҳонлик ва амирликлар замонида ҳам сақланиб турган. Халқнинг оёни бу зиёратгоҳдан узилмаган. Табиийки, зиёратгоҳ ҳам одамлар оёни узилмайдиган даражада оёбод ва озода сақланган.

Бу ҳақда XIX асрда яшаб ўтган муаррих Абу Тоҳирхожа Самарқандий "Самария" асарида бундай деб маълумот беради: "Имом Муҳаммад бин Исмоил Бухорий мазори Суғуди калон туманида, Хартанак деган ўриндадир. Шу мазорнинг сабабидан ҳозирда ўша қишлоқ "Хожа Исмоилий" номи билан машҳурдир. Имом мақбарасининг шимолий-шарқ тарафида, унга яқин ўринда бир масжид жойлашган. Самарқанд шаҳридан Хартанг қишлоғига икки тошлик йўл. Имом Муҳаммад "Саҳихи Бухорий" китобининг муаллифидир. Бу китоб салкам ўн минг ҳадиснинг жамъидир. У 256 да Рамазон ҳайитининг кечаси хуфтан намозидан кейин вафот этди. Оғиз очар кунни туш намозидан сўнра юқорида айтилмиш ўринда дафн этилди. Унинг қабридан анча муддатгача мушқдан ҳам хушбўйроқ ис қелиб турди, кейин йўқлиб кетди. Зиёратчилар қадими узилмайдиган бу жойни ҳижолатда оёбод ва саришта. Тажрибада қўрилганки, кимки "Саҳихи Бухорий" китобини бошига қўйиб, шаҳар ва маҳаллаларни айланиб чиқса, албатта, ўша шаҳар ва маҳалла аҳли оғатлардан фориғ бўлади.

Кимки у кишининг табарруқ мазорини зиёрат қилса, гарб мамлакатларида уни мутабаррак тутадилар. Танариға ҳамд бўлсин, бу харфлар роқими шарисор юзину у киши остоналарига суртиб ва мазорининг рубарусидаги хўжрада бўлиб нибзмандлик қилганман, у кишига раҳмат ва жойи жаннатдан бўлсин.

Афсуски, Чор Россия мустамлакиси ва, айниқса, собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида юртимиздан етишиб

чиққан улуг алломалар, уламолардан ақсариятининг номлари унутилди, уларнинг тарихи, тақдирин билан боғлиқ масканлар, зиёратгоҳлар, қадамжолар эътибордан четда қолди, ёпилди, бузилди. Ана шу даврда Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи ҳам ярим вайрона, ташландиқ ҳолатга тушди. Улуғ аллома мақбараси, унинг яқинидаги хўжра темир-терсақлар сақланганидан омборга айланган. Мазори зиёрат учун ёпиб қўйилди. Қабристон яқинидаги масжид бузиб юборилди. Шўро намояндалари буюк муҳаддис номини йўқ қилишга уриндилар.

ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ЗИЁРАТГОҲ

Дунёда башарият учун улугвор ишлари қилган, юрти, халқи учун ўлмас мерос қолдирган инсонларнинг номлари ҳеч қачон унутилмаслигини ҳаёт ҳамини исботлаб қолган. Мамлакатимиз мустанқилликка эришганидан кейин тарихимиз жиддий тадқиқ этишга киришилди, улуг аждодларимиз, алломаларимиз, миллат фидойилари номлари қайта тиклангани ҳам бунинг ёрқин далолатидир. Ана шундай алломалар орасида Имом ал-Бухорий меросига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг маълум сабаблари бор эди.

Аввало, юртимизда исломий илм-фаннинг, имон-эътиқоднинг поклиги учун улуг ишлари қилиб кетган алломанинг мероси билан халқимизни яқиндан таништириш керак эди. Қолаверса, ер юзиде бир ярим миллиардга яқин мусулмонлар учун Қуръони Каримдан кейинги ўринда турадиган саҳиҳ ҳақиқатларни тўплаб кетган улуг муҳаддиснинг хотирасини эъзозлаш, унинг асарларининг бугунги кундаги аҳамиятини намоён этиш, тадқиқ қилиш халқаро киришилди. 1997 йилнинг ноябрь ойида ЮНЕСКО Бош конференцияси ҳам 1998 йилдаги халқаро микёсдаги муҳим сана — буюк муҳаддис Муҳаммад Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик тантаналарида қатнашиш борасида қарорини эълон қилди. Халқаро микёсдаги бу анжуман муносабати билан Имом ал-Бухорий қабри жойлашган зиёратгоҳда Урта Осиёнинг мезморий аъёналарига мувофиқ тарзда ёдгорлик мажмуаси барпо этиш белгиланди.

Ёдгорлик мажмуасини қуриш ва уни ободонлаштириш, кўркам масканга айлантириш ишлариға Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов бошчилиқ қилди. Мажмуа учун 10 гектарлик ер ажратилди. Унинг қурилишида республикамизнинг барча худудларидан — Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон, Шаҳрисабз, Жиззах, Термиз ва бошқа жойлардан етуқ хунармандлар, меъморлар, усталар қатнашдилар. Мажмуадаги мақбара, масжид, маъмурий бино ва бошқа иншоотлар миллий меъморчи-

лик аъёналари асосида бунёд қилинди. Мажмуа ҳам, ундаги барча бинолар, иншоотлар ҳам жанубга қаратиб қурилди. Ёдгорлик ансамблига жануб томондаги учта катта ўйма аркасимон дарвозалар орқали кирилади. Дарвозаларнинг олд қисмида мажмуанинг қурилиш тарихи матни ўзбек ва араб тилларида битилди. Дарвозахона орқали кириш йўлаги миллий услубда барпо этилган катта айвондан бошланади.

Ёдгорлик мажмуасининг марказий қисмида Имом ал-Бухорийнинг мақбараси ўрин олган. Куб шаклидаги бу иншоотнинг тепа қисмига ўн етти метрлик гўмба ўрнатилди. Иншоот деворлари оч-яшил, ҳаворанг, оқ қопламали плиталар, мраммар ва оникслар билан безатилди. Ўнг томонда оч ҳаворанг ониксга ишлов бериб ясалган соғана остида Имом ал-Бухорийнинг мраммар билан қопланган қабри жойлашган.

Мажмуанинг чап томонида майдони 786 квадрат метр бўлган масжид ва 214 квадрат метрлик айвонлар мавжуд. Масжид бир вақтнинг ўзиде 1500 киши намоз ўқиши учун мўлажаллаб қурилди. Шу билан бирга ҳовлининг чап қанотида ёрдამчи хоналари билан бирга зал (миёнасарой) ҳам барпо этилди. Бу бинода кутубхона, илмий ҳодимлар учун хоналар мавжуд. Кутубхонада Қуръони Каримнинг ноёб намуналари, илк нашрлари ҳамда Имом ал-Бухорий асарларининг турли қўләмалари сақланади. Мажмуанинг ўнг томонида маъмурий ишлар билан боғлиқ хоналар тикланди.

Ёдгорлик мажмуаси 1998 йил 23 октябрда расман очилди ва буюк муҳаддис таваллудининг ҳижрий тақвими бўйича 1225 йиллик билан боғлиқ халқаро микёсдаги тантаналарнинг асосий қисми ана шу ерда ўтказилди. Кейинчалик республика ҳукуматининг қарори билан мажмуа яқинида Имом ал-Бухорий номидаги халқаро марказ барпо этилди ва фаолиятини бошлади. Шу тарихи улуг аллома дафн этилган ушбу зиёратгоҳ халқимизнинг яратувчилик, бунёдкорлик қудрати билан юртимиздаги муҳташам ёдгорлик мажмуаларидан бириға айланди. Имом ал-Бухорий номи, хотираси буюк хизматлари, ўлмас мероси қадр тоғди.

МЎЪЖИЗАВИЙ ДУРДОНАНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Ёдгорлик мажмуаси барпо этилганидан кейин йиллар давомида халқимизнинг ҳам, ислом оламнинг ҳам, ҳорижий сайёҳларнинг ҳам муҳаддис зиёратгоҳига, табарруқ масканига айланди. Зиёратчилар сони ҳам, сайёҳлар сони ҳам бир неча баравар ошди. Фақат шуғина эмас, бу масканга Имом ал-Бухорий меросини, ислом маданияти, илм-фанни ўрганиш, уни тадқиқ этиш учун келувчилар ҳам кўпайди. Буларнинг ҳаммаси ёдгорлик мажмуасини янада кенгайтириш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, уни дунё андозалари асосида қайтадан бунёд этишни ҳаётий заруратға айлантирди.

Шу сабабли Президент Шавкат Мирзиёев бу масалаға раҳбарлик фаолиятининг дастлабки даврида қўқонда эътибор қаратди. У 2016 йил 18 октябрда Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сес-

сиясида Самарқанддаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасида халқаро илмий-тадқиқотлар марказини ташкил этиш ташаббусини ўртаға ташлади. Орадан кўп ўтмай, 2017 йилнинг 17 мартда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриде Имом ал-Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди. Бу ташаббусни амалға ошириш йўлидаги ҳаракатнинг бошланиши эди.

Давлат раҳбарининг ёдгорлик мажмуасини қайтадан бунёд этиш гоёси асосида бир неча масалаларға эътибор бериш назарда тутилганди. Биринчидан, мажмуани халқаро микёсдаги ниҳоятда улугвор зиёратгоҳға айлантириш, иккинчидан, бу ерда ислом оламидаги энг йирик илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш, учинчидан, туризм салохиятини, айниқса, зиёрат сайёҳлик йўналишини кучайтириш асосий мақсад қилиб қўйилди. Мажмуа ана шундай асосларда буюк муҳаддис алломанинг ислом оламида тугган юксак мавқеи, улкан салохиятиға муносиб тарзда қайтадан бунёд этишға киришилди.

Аввало, ЁДГОРЛИК МАЖМУАНИНГ ХУДУДИ КЕНГАЙТИРИЛДИ. АГАР АВАЛ МАЖМУА ХУДУДИ 10 ГЕКТАРДАН ИБОРАТ БЎЛГАН БЎЛСА, УНИНГ УМУМ МАЙДОНИ 45 ГЕКТАРГА ЕТКАЗИЛДИ. ШУНГА МУВОФИҚ МАЖМУАНИНГ ИЧКИ ХУДУДИ ХАМ КЕНГАЙТИРИЛДИ, У ЕРДА ХАМ ҚАЙТА ҚУРИЛИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. МАЖМУАДАГИ ИМОРАТЛАР ДАСТЛАБ БИР ҚАВАТ ҚИЛИБ БАРПО ЭТИЛГАН БЎЛСА, ЭНДИЛИКДА УЛАР ИККИ ҚАВАТ ТАРЗДА ТИКЛАНДИ. МАЖМУАГА КИРИШ ЙЎЛАГИДАГИ ВА МАҚБАРА УСТИДАГИ, ШУНИНГДЕК, БОШҚА ИНШОТЛАР УСТИДАГИ ЖАМИ 14 ТА ГЎМБАЗ ОЛДИНГИ 17 МЕТР БАЛАНДЛИКДАН 30 МЕТР БАЛАНДЛИККА ЧЎТАРИЛДИ. МАЖМУАНИНГ ТЎРТТА БЎЛАГИДА 75 МЕТРЛИК ТЎРТТА МИНОРА ҚАД РОСТЛАДИ. БУЛАР МАЖМУАГА АЛОҲИДА УЛУГВОРЛИК, МАХОБАТ, ҒЪЗАЛЛИК БАЙИШЛАДИ.

Маълумки, мажмуадаги улуг аллома мақбарасининг пойи аввал очик айвондан иборат эди. Бу зиёратчилар учун маълум қийинчиликлар туғдирарди. Бу ҳолат ҳисобға олиниб, қайта қуриш жараёнида мақбаранинг ён атрофида қишда иссиқ, қада салқин бўладиган кенг зал, аёллар ва болалар учун алоҳида хоналар барпо этилди. Мажмуаға кириш ва чиқиш йўлақларидаги айвонлардан ташқари яна миллий услубдаги 154 та устулни муҳташам айвон ҳам қурилди.

Яна бир муҳим факт: мажмуадаги аввалдан мавжуд масжид ҳам энига, ҳам бўйича кенгайтирилди, айни пайтда, унинг рўпарасида яна бир янги масжид қад ростлади. Натжижа бу зиёратгоҳда аввал 1500 одам исломий фарзани адо қилган бўлса, эндиликда 10 мингга яқин одам бир вақтнинг ўзиде намоз ибодатини амалға ошириш имкониятиға эға бўлди. Шу билан бирға, мажмуа ичиде маъмурий бинони, хизмат қўрсатиш корпуси, эркаклар ва аёллар учун алоҳида таҳоратхоналар бунёд этилди. Бу ерда жисмоний имконияти чекланган одамлар ҳаракатланиши учун замонавий шариотлар ва бошқа қўлайликлар яратилди.

Мажмуа тарихида "Имом ал-Бухорий" номидаги энг илгор ахборот технологиялари билан жиҳозланган 9 павильондан иборат ноёб инновацион музей ишға туширилди. У ислом оламида "буюк муҳаддис" деб эътироф этилган Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти, илмий ме-

роси, ислом илм-фани, маданиятиға қўшган ҳиссасини тўла даражада акс эттиради. Шунингдек, музейда Қуръони Каримда номлари келтирилган 25 та пайгамбар тарихи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шаҳараси, унинг Макка ва Мадинадаги ҳаёти, у билан боғлиқ ҳақиқатларининг жамланishi, ёзилishi ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Мажмуанинг ички қисмида қайта қуриш ва ободонлаштириш ишлари давомида мақбара яқинида жойлашган суви шифобахш булоқ, ҳовуз ҳамда беш аср олдин экилган чинорлар зиён-заҳмат етказилмасдан сақлаб қолинди.

Ёдгорлик мажмуаси қайта қуриш жараёнида фақат зиёратгоҳиға эмас, илм-маърифат масканига ҳам айланиши зарур эди. Шунинг учун мажмуа яқинида Имом ал-Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Хадисшунослик мактаби барпо этилди. Марказ зиммасиға ислом маданияти, умумбашарий цивилизация ривожига катта ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бои меросини ўрганиш, ёшларда илм-фанға ва таълим олишға интилиш туйғусини кучайтириш, уларға исломий қадриятларни тўғри аңлатиш, динимизнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш вазибалари юклатилган. Марказнинг янги биноси тўла даражада замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда туриб дунёнинг турли нуқталаридаги хоҳлаган илмий марказ билан боғланиш, ҳамкорлик қилиш имконияти мавжуд. Бино ичиде анжуманлар ўтказиш учун конференциялар зали ишға туширилган. Булардан ташқари, илмий-тадқиқот маркази тадқиқотчилари учун ҳар бири 18 хонадонли 3 та уч қаватли тураржой, Хартанг қишлоғини кесиб ўтадиган "Оқдарё-Қўлбости" автомобил йўли бўйида миллий кўринишда 2 қаватли 62 та кўттеж қад ростлади. Хадисшунослик мактаби тингловчилари учун ётоқхона, ошхона, спорт-соғломлаштириш масканлари қурилди.

Юқоридагилардан ташқари Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси қошида яна бир ташкилот — туризм маркази фаолиятини бошлади. Мажмуа ёнида 15 гектар майдонда замонавий инфра-тузилма яратилиб, шинам меҳмонхоналар, хизмат қўрсатиш ва сервис масканлари барпо этилди. Ишдаб чиқилган режаға кўра қайта бунёд қилинган мажмуа олдиде салкам бир километрик хиббон яратилди. Хиббон бўйлаб 1 та тўрт кўдузли, 2 та уч кўдузли меҳмонхона, 22 та 176 ўринли оилавий меҳмон уйлари қурилди. Хиббон билан мажмуа оралиғида атрофға салқин ҳаво таратуви фавворали ҳовуз барпо қилинди. Шу билан бирға зиёратчиларға, сайёҳларға қизмат қилувчи икки супермаркет, амфиئاتр, деҳқон бозори, ҳаммом, икки таҳоратхона, миллий хунармандлик буюмлари ва ёдгорлик соғвалар сотиладиган қадим шарқ дўконлари кўринишидаги 16 та савдо шохбаси, ресторан, болалар ўйин майдончаси, мини-банк ва бошқа инфра-тузилмалар бунёд этилди. Худуд ободонлаштирилди, кўкаламзор майдонлар яратилди. Буларнинг ҳаммаси Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасиға келувчи зиёратчилар, илм аҳлилари, сайёҳлар, хусусан, зиёратчи сайёҳлар учун кенг имкониятлар яратиб беради. Эътибор бериш, агар илгари бу мажмуада бир кунда 12 минг одамға хизмат қўрсатиш имконияти мавжуд бўлган бўлса, эндиликда мажмуанинг кўнлик хизматидан 65 минг одам баҳраманд бўла олади.

Бу ёдгорлик мажмуаси ана шундай тарзда, беқиёс бунёдкорликлар завзига қайтадан барпо этилди. Шунинг учун давлатимиз раҳбари бу ерда амалға оширилган ишлар ҳақида тўхталиб, "Эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан бугун орзу-ниятларимиз рўёбға чиқди. Бу бетакорор зиёратгоҳни Имом Бухорий бобомизнинг оламшумул мавқеиға, юксак мақомиға муносиб даражада бунёд этишға муяссар бўлдик. Ушбу бетакорор қурилиш янги Ўзбекистоннинг улкан имкониятларини аққол намоён этади. Зиёратгоҳ халқимиз учун, жаҳондаги барча мусулмонлар учун азгулик ва маърифат нуриин таратадиган қўтулғу масканға айланади, деб ишонаман", дея юксак баҳо берди.

Ҳақиқатан ҳам, бу ерда амалға оширилган беқиёс бунёдкорликлар кичик ҳажмдаги ёдгорлик мажмуасини улугвор зиёрат шаҳарчасиға айлантирди. Самарқанд заминида яна бир мўъжизавий дурдона яратилди. Бу дурдона бағридан тараладиган маърифат ёғдуси нафақат юртимизни, балки ислом оламини ҳам абадиятға нурлантириб туради.

ОСМОН ҚИРОЛИ

Инсон қадри, виждон ва касб шаъни ҳақида қисса

Премьердан сўнг

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда ўзбек миллий кино санъати ҳақида гап-сўзлар кўпайгандан кўпайиб борапти. Тушунган ҳам, тушунмаган ҳам киночиларимизга тош отишга тушиб кетди. Бу кўпфирлилиқ, ҳурфиррилиқ нуқтаи назаридан тўғри. Биз демократик жамиятда яшаймиз, демак, хоҳлаганча фикр айтиш ҳуқуқига эгамиз. Фақат аравани қуруқ олиб қочмасдан, далиллар асосида гапирсак, ёзсак яхши бўлади демоқчиман, холос. Чунки танганинг икки томони бўлади, биродарлар.

Ислом ХАМРОЕВ,
журналист



Шу ўринда ижозатларингиз билан танганинг иккинчи томони ҳақида бир оғиз гап айтсам. Бугун биз ижтимоий тармоқларда "жон куйдириб" танқид қилаётган қайнона-келин, кўш хотинли эр ёки... аксинча, бой йигит ва камбағал қиз... Шу ва шунга ўхшаган "миллий сериал"ларнинг "муаллиф"лари Кинематография агентлиги эмас, хусусий телеканаллардир. Шундай экан, бировнинг томорқасига тош отишдан аввал, нимага ва кимга тош отаётганимизни аниқлаб олсак, фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Майли, Кинематография агентлиги томонидан олинётган киноларнинг ҳаммаси ҳам мукамал эмасдир. Хато-камчиликлари бордир. Лекин улар орасида ярқ этиб кўзга ташланадиган кинофильмлар ҳам борки, бундан кўз юмиб бўлмайди.

Кино ҳақида сўз кетганда соҳа билмидонлари шундай дейишади: Кино санъати кишилик маданиятида алоҳида ўринга эга бўлган, таъсир доираси кенг ва маънавий аҳамияти беқиёс ижодий майдондир. У фақат вақт ўтказиш ёки ҳордиқ чиқариш воситаси эмас, балки томошабиннинг эстетик диди, ахлоқий қарашлари ва маънавий дунёқарашини шакллантирувчи кучли тарбия воситаси сифатида ҳам намоён бўлади. Яхши фильм бизни ўйлашга, таҳлил қилишга, ўз ҳаётимиз, тутумимиз, қарор ва қадриятларимизни қайта кўриб чиқишга мажбур этади. Шу жиҳатдан кино маънавий таъсирнинг энг самарали шакллари билан бири, дейиш мумкин.

Ҳақ гап. Кўшилмасдан бўлмайдиган фикр. Бугун замонавий ўзбек киносанъатида юқорида таърифи келтирилгандай юксак бадий қийматга эга асарлар тобора кўпроқ яратилаётгани ҳам бор гап. Айниқса, инсон қадри, виждон, адолат, бурч ва касб шаъни каби умуминсоний мавзуларни чуқур ва таъсирчан тарзда ёритувчи фильмлар жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Яқинда Ўзбекистон миллий кино санъати саройида тақдироти ўтказилган "Осмон қироли" бадий фильми ана шундай жиҳатлари билан томошабинлар эътирофига сазовор бўлмоқда. Нафақат мазмунан, балки бадий ечимлари, образлар тизими ва профессионал режиссураси жиҳатдан ҳам юксак даражадаги киноасар сифатида баҳоланмоқда. Кино таниқли ёзувчи Хайриддин Султоннинг "Осмони фалакларда" асари асосида суратга олинган.

Атоқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Жаҳонگیر Қосимов томонидан экранга олиб чиқилган мажур асар шахсининг ички дунёси, унинг ахлоқий танловлари ва касбий бурчи ўртасидаги мураккаб муносабатларни чуқур таҳлил қилади. Фильм томошабини нафақат воқеалар тизими билан қизиқтиради, балки унинг қалбида саволлар уйғотади, фикрлашга чорлайди. "Осмон қироли"нинг асосий мавзуси инсон қадри ва касб шаъни масаласидир. Бу мавзу учувчилар ҳаёти мисолида очиб берилади. Бир қарашда бу профессионал муҳит ҳақидаги асардек туюлиши мумкин, аммо аслида фильм инсоний эркинлик ва шахсий позиция ҳақидаги фалсафий ҳикоя, десак тўғрироқ бўлади. Осмон асарда рамзий маконга айланган. У поклик, ҳақиқат ва адолат тимсоли сифатида намоён бўлади. Ер эса манфаатлар, зиддиятлар ва мураккаб ижтимоий муносабатлар маркази сифатида тасвирланади. Шу икки макон ўртасидаги қарама-қаршилик фильмининг асосий фалсафий ўзагини ташкил этади. Асар драматургияси изчил ва пухта қурилган. Воқеалар босқич-ма-босқич ривожланиб боради, ҳар бир эпизод томошабинни кейинги драматик чўққига тайёрлайди. Сюжетда ортиқча эпизодлар йўқ, ҳар бир сахна муайян вазифани бажаради. Фильмда ташқи зиддият билан бир қаторда ички конфликтга ҳам устуворлик берилган. Қаҳрамонлар ўз виждони, танлов ва қарашлари, ҳаётий принциплари билан курашадилар. Бу эса фильмининг оддий воқеалар тизимидан юқори кўтариб, уни фалсафий асар даражасига олиб чиққан. Марказий қаҳрамон Шамшетов образидир. Бу ролга Ўзбекистон халқ артисти Карим Мирҳодиев танлангани муваффақиятнинг эллик фоизи таъминлаган, десак муволафа бўлмайди. Актёр ўз қаҳрамонининг ички олами, зиддиятчи характери, ижтимоий ва ҳиссий муаммоларини чуқур ҳис қилган ва ролни катта маҳорат билан ижро этган.



У руҳий дунёси қанчалик мураккаб бўлса, шунча таъсирчан ҳам. Унинг ташқи қиёфаси ва хатти-ҳаракатлари оддий қаҳрамонларга хос эмас. Қўлоқ, кескин, баъзан ҳатто агрессив туюлади. Аммо унинг ички дунёси бутунлай ўзгача. Унинг энг буюк бисоти – виждон. Қолаверса, Шамшетов атрофидагилардан фарқи ўлароқ, ўз касбининг муқаддаслигини жуда яхши билади. У учун учувчилик фақат нон топиш воситаси эмас, балки бурч, масъулият ва шараф ташласидир.

Унинг энг муҳим идентитети ҳеч қачон ўз принципларига қарши бормайди, "ўзгача" фикрлар билан муро қилмайди. Тизим талабларига кўр-кўрона бўйсунмайди. Балки, қарашларини ҳимоя қилади, ҳатто ўз манфаатлари зарарига ишласа ҳам. Шу жиҳатдан Эшбековнинг экстратрадиция қилиниши билан боғлиқ эпизодда Шамшетов характерининг чўққиси намоён бўлган. Бу ерда у нафақат (собиқ) учувчининг, балки инсон қадрини ҳам ҳимоя қилади. Унинг учун

инсон шахси ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳурматга лойиқ. Бу образ орқали фильм инсон эркинлиги ва виждони ҳақида жуда кучли гоани илгари суради. Бадалов образи эса фильмдаги иккинчи марказий қаҳрамон ҳисобланади. Бу ролни истеъдодли ёш актёр Аббос Иброҳимов маҳорат билан ижро этган. Бадалов – изланувчи инсон тимсоли. У ҳали шаклланмаган, ўз йўлини топишга ҳаракат қилаётган шахс. Унинг характерида иккилик, шубҳа ва ноаниқлик устун. Фильм давомида у катта ички эволюцияни бошдан кечиради. У Шамшетов таъсирида ўз қарашларини қайта кўриб чиқади. Ҳаётга бошқача қарай бошлайди. Бу образ орқали томошабин ҳам маълум маънода "ўзгаради". Эшбеков фильмдаги энг фожиавий қаҳрамонлардан биридир. Бу ролни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матёқуб Матқонов ижро этган. Эшбеков ўз имкониятларини нотўғри йўлга сарфлаган инсон. У бир вақтлар иқтидорли учувчи бўлган, аммо мансаб ва манфаатлар уни ўзгартиради. Унинг шахсий фалокати ахлоқий қулашдир. У ўз қадриятларидан воз кечади ва натижада фожиага юз туттади. Қайсидир маънода, Эшбеков давр ва тизим муҳити қурбони ҳам.

Фильмдаги иккинчи даражали қаҳрамонлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Хусусан, Тоҳир Саидов яратган авиакомпания директори образи орқали тизимнинг салбий жиҳатлари очилади. Отабек Мусаев ижросидаги подполковник образи орқали эса ижтимоий муҳит руҳи тасвирланади. Режиссёр Жаҳонگیر Қосимов фильмда визуал ва мазмун уйғунлигини таъминлай олган. У ортиқча драматизациядан қочади ва табиийликка эътибор қаратади. Кадрлар, ракурслар, монтаж – барчасига маъно юкланган. Яна бир жиҳат, сценарий пухталиги билан боғлиқ. Диалоглар ҳаётий ва таъсирчан. Ҳар бир реплика қаҳрамон характерида хизмат қилади. Юқоридаги жиҳатлар "Осмон қироли"ни бадий жиҳатдан юксак даражада ишланган асарга айланттирган. Режиссёрлик маҳорати, актёрлар ижроси ва умумий бадий ечимлар фильмининг муваффақиятини таъминлаган. Фильм томошабини ўйлашга, ҳис қилишга ва ўз ҳаёти ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди. Шу жиҳатдан у нафақат кино асари, балки маънавий тарбия воситаси сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Марҳамат, сиз ҳам кўринг, фикр билдиринг.

Biznesni Rivojlantirish Banki

QURBON HAYITI

muborak bolsin!

Zamonaviy va qulay xizmatlar siz uchun!

brb.uz 1254

Xizmatlar litsenziyalangan